

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 30 апрель • №17 (1349)

☑ Сурхондарё вилояти "Саломатлик акцияси"нинг иккинчи босқичи бошланди

БОР МЕҲРИМИЗ ШУ ВАТАН, ШУ ХАЛҚ УЧУН!

Этирофлиси шундаки, қайси бир ҳудуд, қолаверса, хонадонларда бўлсангиз, аҳолининг тиббиётимиздан мамнун эканлигини гувоҳи бўламиз. Маълумки, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан "Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!" шиори остида "Саломатлик акцияси"нинг ҳудудлараро давом этаётганлиги, бу албатта, Давлатимиз раҳбарининг халқимиз саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Мазкур саломатлик акцияси, шу кунга қадар Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида бўлиб ўтган эди.

Айни пайтда мазкур нуфузли тадбир Сурхондарё вилоятида давом этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, саломатлик акциясидан баҳраманд бўлган ҳудудлардаги қанчадан-қанча даволанишга муҳтож бўлган фуқароларимизга жойларда мураккаб операция жараёнлари муваффақиятли амалга оширилди. Ишчи гуруҳлар хонадонларда бўлишиб, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларга муҳим тавсиялар, қолаверса, жойида керакли тиббий ёрдамлар кўрсатилишини инобатга олмоқдалар.

Келинг, акция давомида амалга оширилган фаолиятларга эътибор қаратайлик.



Акция доирасида бир қанча жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши режалаштирилган. Хусусан, эндопротезлаш, юракка стент ўрнатиши, юрак қон-томир операциялари, иунингдек, буйрак трансплантацияси каби энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари тиббий кўрсатмага қараб, вилоят ёки пойтахтимиздаги энг нуфузли муассасаларида бепул амалга оширилиши мўлжалланган. Ушбу жараёнларни ташиқил этиши учун маҳаллий бюджетдан 1 миллиард 660 млн сўм маблағ ажратилган. Бу маблағлар, асосан, эндопротезлаш ва стентлаш жарроҳлик амалиётларининг сарфлов материаллари учун йўналтирилади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА:

Бугунги кунда вилоятда 721 та маҳалла, 480199 та хонадон, 598635 та оилада жами 2 млн 681 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан 4 нафар, 18 та республика ихтисослашган марказлари ходимларидан 80 нафар, Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалидан 15 нафар ҳамда вилоят тиббий муассасаларидан 80 нафар, жами 197 нафар мутахассислар иштирокида аҳолининг ихтисослаштирилган тиббий хизматга муҳтож ҳамда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқаролари тиббий кўриклардан ўтказиш учун жалб қилинди.



☑ 2021 йил 25 апрель

Вилоятдаги жами 177 та маҳалланинг 1310 та хонадонига ташириф уюштирилиб, 1814 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан, 1350 нафарига амбулатор шароитда, 245 нафарига туман, шаҳар тиббиёт муассасаларида, 160 нафарига вилоят тиббиёт муассасаларида, 48 нафарига республика тиббиёт муассасаларида стационар даволаниш учун тавсиялар берилди, 65 нафарига жарроҳлик амалиёти ўтказилди. 4 нафар бемор чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан сўнг стационар шароитда даволанишга ётқизилди. 6 нафар беморда жарроҳлик муолажалари (республика тиббиёт муассасаларидан ташириф буюрган мутахассислар томонидан 12 нафар беморда мураккаб жарроҳлик муолажалари) ўтказилди. Вилоятдан 160 нафар бемор стационарга ётқизилган бўлиб, 12 нафар беморларга мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилди.

☑ 2021 йил 26 апрель

Вилоятнинг 363 та маҳалласидаги 4256 та хонадонга ташириф уюштирилиб, 7324 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан, 6223 нафарига амбулатор шароитда, 443 нафарига туман, шаҳар тиббиёт муассасаларида, 158 нафарига вилоят тиббиёт муассасаларида, 11 нафарига республика тиббиёт муассасаларида стационар даволаниш учун тавсиялар берилди, 97 нафарига жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Вилоят тиббиёт муассасаларида қуйидаги мураккаб жарроҳлик амалиётларидан 5 та юрак қон томирида рентген остида, 4 та лапароскопик операция (Перинатал марказида) 1 та қорин олди девори чуррасини аллопластикаси, операциядан кейинги чурра гениолапаротомияси, 10 та катаракта факоемульсификацияси, тўр парда лазеркоагуляцияси, комбинацион флебэктомия, лапароскопик холецистоэктомия каби мураккаб жарроҳлик амалиёти маҳаллий мутахассислар билан бирга амалга оширилди. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва вилоят мутахассислари томонидан 214 нафар бемор стационарга ётқизилган, 32 нафар беморларга мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

☑ 2021 йил 27 апрель

Вилоятнинг 441 та маҳалласидаги 4711 та хонадонга ташириф уюштирилиб, 9147 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан, 8404 нафарига амбулатор шароитда, 507 нафарига туман, шаҳар тиббиёт муассасаларида, 150 нафарига вилоят тиббиёт муассасаларида, 44 нафарига республика тиббиёт муассасаларида стационар даволаниш учун тавсиялар берилди, 66 нафарига жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Вилоят тиббиёт муассасаларида қуйидаги мураккаб жарроҳлик амалиётлардан 5 та юрак қон томирида рентген остида, 4 та лапароскопик операция (Перинатал марказида) 1 та қорин олди девори чуррасини аллопластикаси, операциядан кейинги чурра гениолапаротомияси, катаракта факоемульсификацияси, тўр парда лазеркоагуляцияси, комбинацион флебэктомия, лапароскопик холецистоэктомия каби мураккаб жарроҳлик амалиётларини маҳаллий мутахассислар бирга амалга оширилди. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва вилоят мутахассислари томонидан вилоятдан 710 нафар бемор стационарга ётқизилган, 10 нафар беморларга мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

✓ Сурхондарё вилояти "Саломатлик акцияси"нинг иккинчи босқичи бошланди

ЮРТ МЕХРИДАН МАМНУН ЭЛНИНГ ЭЪТИРОФИ

Биз акция давомида Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлганимизда нейрохирургия бўлимининг операция блокада мураккаб амалиёт олиб борилаётганлигининг гувоҳи

бўлдик. Операция олди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бирламчи тиббий профилактика ёрдамни мувофиқлаштириш бошқармасининг бошлиғи Авазбек Усмонов билан суҳбатда бўлдик.

— Албатта, бундай кенг қамровга ва мақсадли гоёга эга бўлган саломатлик акциясининг тизимли таъкил қилинганлиги фаолиятлар натижаси кечаётганлигидан далолат бериб турибди, — дейди Авазбек Усмонов. — Бу хайрли ишнинг моҳияти шундан иборатки, бунда асосий вазифа пойтахтимиз ва маҳаллий мутахассислар иштирокида аҳолининг ихтисослаштирилган тиббий хизматга муҳтож ҳамда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Шундай экан, тиббий хизматнинг манзилли, мақсадли ҳамда юқори савияда ўтказиши мутахассисларимизнинг олдида турган муҳим вазифадир. Бугунги кунга қадар 300 дан ортиқ мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилди. Саломатлик акциямиз тизимли равишда давом этади.

Мавлуда Абдуллаева 44 ёшда. Вилоятнинг Шеробод тумани Гуржон маҳалласида истиқомат қилади. Кейинги пайтларда бош миясидаги оғриқлар безовга қилиб саломатлигида жиддий ўзгаришлар бўла бошлади. Дард ўз ҳукмини ўтказиб, бош мияда ўсма пайдо бўлди. Бундан хабардор бўлган шифокорлар даво муолажаларини тавсия қилишди. Афсуски, бу жиддий дард унинг ҳаётига раҳна сола бошлади.

Энди охирига нажот пойтахтга бориш керак деган ҳаёллар Мавлудани тинч қуймас, бунинг баробарида икки нафар фарзандини ўйлаб ўйига ега олмади. Аҳоли орасида хатлов ўтказилганда Мавлуданинг оиласи "Темир дафтар"га киритилганди. Ва ниҳоят, саломатлик акцияси бўлишидан олдин шифокорлар унга пойтахтдан малакали нейрохирурглар келаётганини ва операцияни улар амалга оширишини айтишди. Кутилмаган хушxabардан хурсанд бўлган Мавлуданинг яшашга бўлган иштиёқи янада ошди.

Биз операциядан олдин Мавлуда Абдуллаева билан суҳбатда бўлдик.

— Мен жуда ҳаяжондаман. Сабаби қандай қилиб пойтахтга бора оламан. Чунки, имкониятим етарли даражада эмас эди. Умуман олганда ҳаётдан умидимни узиб, пешонамда борини кўраман деган ўйларга бордим. Шифокорлар уйимга келишиб, акция

доирасида пойтахтдан келадиган нейрохирурглар ўзимизда операция жараёнларини амалга оширишни айтишди. Жуда хурсанд бўлдим. Хавотирларим ортда қолди. Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказидан ташириф буюрган малакали нейрохирург Марсель Бурнашев палатага келиб, касаллик тўғрисида қисқача гапириб ҳаммаси яхши бўлишини айтгани менга катта далда бўлди. Шифокорларимизнинг бориға шукр қилдим.

Операция блокада кирганимизда мутахассисларимиз Мавлуда Абдуллаевани операцияга тайёрлашаётган экан. Аввало, бу оғир, мураккаб операция қандай амалга оширилган экан, дея мавжуд аппаратураларни кўздан кечирдим. Айниқса, операция жараёнида асосий вазифани бажарувчи замонавий микроскоп ва барча аппаратураларни ҳамда ўз касбининг моҳир усталари бўлган пойтахтлик ҳамда маҳаллий шифокорларни кўриб, амалиёт муваффақиятли яқунлинишига ишончим комил бўлди.

Биз шунчаки, бош мияни очишади, дарҳол операцияни бошлашади деб уйлар эканмиз. Йўқ, асло ундай эмас. Операция олди мутахассисларнинг тайёргарлиги, қолаверса, муҳим талаблар асосида беморни операцияга тайёрлашди. Ундан кейингина, бош мия суягини ажратиб олишиб, сўнгра микроскопда ҳақиқий амалиётни бошлашди. Операция му-

ваффақиятли амалга оширилди. Операцияни зимдан кузатар эканман, нейрохирургларнинг ниҳоятда хушёрлик, синчиковлик ва масъулият билан олиб бораётган ишларига тан бердим. Шу аснода Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг нейрохирурги Равшан Юлдашевни суҳбатга тортидик.

— Албатта, бундай нозик операцияларни амалга ошириш, соҳа мутахассисидан ниҳоятда катта масъулият талаб этиши табиий ҳолдир. Бу каби мураккаб амалиётлар 6-7 соат давом этади. Чунки, бош мияда нейрохужайралар мавжуд бўлиб, уларга зарар етказмасдан операцияни тўғри амалга оширишимиз керак. Агар бу борада эътиборсизликка йўл қўйилса, қон кўпроқ кетиб қолиши мумкин. Акция доирасида уч кун бош мия ўсмаси бўйича иккита, бел умуртқа диск чурраси бўйича учта мураккаб турдаги амалиётларни бажардик. Бу жараёнлар яна давом этади.

Мен мутахассис сифатида шу нарсага амин бўлдимки, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг нейрохирургия бўлимининг операция блокада бош миянинг мураккаб иши учун замонавий аппаратларнинг мавжудлиги. Хатлов бўйича йилда икки марта мазкур нейрохирургиянинг мутахассисларига маҳорат дарсларини олиб борамиз.



✓ 2021 йил 28 апрель

Вилоятда 368 та маҳалладаги 4800 та хонадонга таширфлар уюштирилиб, 6891 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан 6280 нафарига амбулатор шароитда, 450 нафарига туман, шаҳар тиббиёт муассасаларида, 169 нафарига вилоят тиббиёт муассасаларида, 21 нафарига республика тиббиёт муассасаларида стационар даволаниш учун тавсиялар берилди, 69 нафарига жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Вилоят тиббиёт муассасаларида қуйидаги мураккаб жарроҳлик амалиётлардан 10 та лапароскопик операциялар, 3 та сон чаноқ бўғимини протезлаш, 10 катаракта факоемульсификацияси, тўр парда лазеркоагуляцияси, комбинацион флeбэктомия, 7 та лапароскопик холецистэктомия каби мураккаб жарроҳлик амалиёти маҳаллий мутахассислар билан бирга амалга оширилди.

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва вилоят мутахассислари томонидан вилоятдаги 210 нафар бемор стационарга ётқизилган, 37 нафар беморларга мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Тадбир доирасида пойтахтлик ва маҳаллий мутахассислар билан биргалликда Термиз шаҳар "Тупроққўргон" маҳалласида истиқомат қилувчи Фаина опа Муртазинанинг хонадонда бўлдик.

Онахон бир неча йиллардан буён чап чаноқ сон бўғимининг коксартроз касаллигига дучор бўлганлигини ва унинг оғриқли азоблари қийнаётганлигини кўздаги ёшлари ила айтди.

Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ўткир жароҳатлар бўлими катта илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори Эсондават Шукуров онахоннинг барча тахлилларини кўздан кечириб, албатта, операцияни амалга ошириш ва сунъий бўғим (эндопротез) қўйиш зарурлигини айтиб ўтди. Шунингдек, бу жараёнлар имтиёзли тарзда амалга оширилишини ҳам алоҳида тилга олди.



Бу ажойиб хабарни эшитган онахон кўзларига қувонч ёшлари ила Давлатимиз раҳбари ва барча шифокорларга ўз миннатдорлигини билдирди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бундай эзгу мақсадли ишлар ўзининг бардавонлиги билан қанчадан-қанча беморларимизнинг дардига малҳам ва халқимизнинг розилигига мушарраф бўлишига ишончимиз комил.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар

✓ 2021 йил 29 апрель

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 13 та Республика ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт марказлари филиалларининг 8 таси ўз фаолиятини бошлаган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргалликда кўрсатилаётган тиббий хизматнинг манзилли, мақсадли ҳамда юқори савияда ўтказилиши назоратга олиниб, мунтазам равишда таҳлил қилинмоқда. Ишчи гуруҳи томонидан вилоятнинг 339 та маҳалладаги 4778 та хонадонга таширфлар уюштирилиб, 6618 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан 5769 нафарига амбулатор шароитда, 487 нафарига туман, шаҳар тиббиёт муассасаларида, 140 нафарига вилоят тиббиёт муассасаларида, 18 нафарига республика тиббиёт муассасаларида стационар даволаниш учун тавсиялар берилди, 107 нафарига жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Вилоят тиббиёт муассасаларида қуйидаги мураккаб жарроҳлик амалиётлардан 13 та лапароскопик операциялар, 3 та сон чаноқ бўғимини протезлаш, 5 та катаракта факоемульсификацияси, тўр парда лазеркоагуляцияси, комбинацион флeбэктомия, 11 та лапароскопик холецистэктомия каби мураккаб жарроҳлик амалиёти маҳаллий мутахассислар билан бирга амалга оширилди.

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва вилоят мутахассислари томонидан вилоятдаги 200 нафар бемор стационарга ётқизилган, 32 нафар беморларга мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

"Саломатлик акцияси" ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан келгуси сонларимизда танишасиз

КОРОНАВИРУС

ХУСУСИЙ СЕКТОР ВАКЦИНАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИНАДИМИ?

Ижтимоий тармоқларда коронавирусга қарши вакцина хусусий сектор томонидан пуллик тарзда қилинаётгани хақида хабарлар тарқалди. Ушбу ҳолат юзасидан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбари ўринбосари Нурмат Атабеков саволга қуйидагича жавоб берди:

– Хусусий иммунопрофилактика муассасалар (вакцинация марказлари) томонидан коронавирусга қарши эмлаш жараёнларига рухсат берилган. Шу билан бирга, ҳозирги кунда коронавирусга қарши вакциналар фақат давлат буюртмаси асосида олиб келинаётганини унутмаслик керак. Ушбу вакциналар билан аҳолининг хавф ости гуруҳига қирувчи қатламлари эмланмоқда.

Хусусий иммунопрофилактика муассасалар ҳам ўзлари коронавирусга қарши вакцинани олиб келиб, эмлаш жараёнларини амалга оширишлари мумкин. Аммо ҳозирча бирор бир хусусий вакцинация марказида бундай амалиётлар ўтказилмаётган. Қайд этиш лозимки, кейинчалик мамлакатимизга олиб келинаётган вакциналарга давлат буюртмаси шакллантиришга чогда хусусий сектор эҳтиёжи ҳам эътиборга олинса (бугунги кунда вакциналарни ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш қуввати эҳтиёжни тўлиқ қондира олмаяпти), уни юртимизга етказиб бериш билан шуғулланадиган ташкилот, шу жумладан, “Дори-дармон” АК томонидан ҳам хусусий секторга йўналтирилиши мумкин. Аммо ҳозирча фақат давлат муассасаларида хавф ости гуруҳига мансуб аҳоли қатламини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

ЗАНГИОТА ШИФОХОНАСИДАГИ БЕМОРЛАРГА ВАКЦИНА ҚИЛИНАДИМИ?

Ушбу саволга вазирлик қошидаги Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси, тиббиёт фанлари доктори Севара Убайдуллаева жавоб берди:

– Вакциналар – касалликни олдини олишга қаратилган воситалар бўлиб, уларни организмга юбориш учун инсон ўткир ёки сурункали касалликлардан бутунлай даволаниб, эмлашни тинч даврда амалга ошириш керак. Уни икки хил вақтда, яъни коронавирус инфекцияси билан умуман касалланмаган ҳолатда ёки касалликка чалинган 3, 6 ёки 9 ой ўтиб, қонда касалликка қарши ишлаб чиқилган антитаначалар титри камайган ёки умуман тушиб кетган ҳолатларда эмлашни ўтказиш тавсия этилади. Зангиота юқумли касалликлар шифохонасида коронавирус билан оғир ҳолатда даволанаётган беморлар организмга, афсуски, инфекция тушиб бўлган ва касалликнинг ўткир ёки ўткир ости даврида эмлаш тавсия этилмайди.

БИР ТУРДАГИ ВАКЦИНАНИ ОЛГАН БЕМОР КЕЙИНГИ БОСҚИЧЛАРДА БОШҚА ВАКЦИНАНИ ОЛИШИ МУМКИНМИ?

Ушбу саволга вазирлик қошидаги Коронавирусга қарши курашиш штаби қуйидагича жавоб берди:

– Йўқ, мумкин эмас, коронавирус инфекциясига қарши эмланаётганлар қайси вакцинада эмланишни бошлаган бўлсалар, шу вакцина билан барча босқичларида эмланишлари керак.

Вакциналарни эмлаш тартиби (яъни 2 ёки 3 марта), улар ҳар бир вакцинада турличадир, бу тартибнинг сақланиши айнан шу вакцина ёрдамида организмда энг юқори даражада антитаначалар ҳосил қилиш имкониятини беради.

Бирор вакцинани ола бошлаб, кейин иккинчи вакцина билан эмланса, бирламчи олинган вакцина тўлиқ олинмаган бўлиб, у самарасиз эмлаш деб



баҳоланилади. Ҳозирда “африканча” штамм энг хавфли деб тан олинган. Бу штамм билан касалланганларда корона вирус инфекцияси оғир ва ўта оғир даражада ўтади. Лекин бу штамм бирламчи коронавирусга ва британча штаммга нисбатан секин тарқалувчандир.

“Африканча” штаммининг алоҳида белгиси бошқа мутацион штаммларга нисбатан оғирроқ кечувчандир. Корона вирус инфекцияси организмга тушганида гуморал иммунитет бирламчи ишни бошлайди, бу штамм мазкур жараёнга ўта чидамли бўлиб, гуморал иммунитет хужайралари бу штаммни енгишга қийналади, натижада вируснинг организмни жароҳатлаш имконияти кенгайди. Мазкур штаммни юқтирган одамларда касаллик бирданига бошланиб, жадал кечади ва қисқа муддатда ўпкани катта қисмини жароҳатлаши мумкин. Шу босидан ҳам касаллик бошқа штаммларга нисбатан оғирроқ кечади.



ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

100 НАНОМЕТРЛИ НОЁБ ЭЛЕКТРОН МИКРОСКОП ОЛИБ КЕЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 августдаги тегишли фармойишига асосан, юртимизда коронавирус ҳамда бошқа касалликларга қарши самарали кураш, аниқ ташхис ва улар устида юқори технологик илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика патологик анатомия марказига Япониянинг нуфузли “JEOL” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “JEM-2100Plus” русумдаги замонавий трансмиссион электрон микроскоп олиб келинди.



Республика патологик анатомия маркази мамлакатимиздаги патологоанатомик хизматнинг бош муассасаси бўлиб, барча вилоятлар ва йирик шаҳарлардаги даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган касалликларни биопсия усулида морфологик жиҳатдан аниқлаш ва касалликдан вафот этганлар мурдасини аутопсия усулида текшириб, бевосита ўлим сабабини аниқлаш, клиник диагнозни таҳлил қилиш, ҳар қандай ҳатолликни аниқлаш каби ташхислаш тадбирларини амалга оширади. Врач-патологоанатомларнинг асосий иш қуроли ёруғлик микроскоп ва электрон микроскоп ҳисобланади. Японияда ишлаб чиқарилган “JEM-2100Plus” русумдаги замонавий трансмиссион электрон микроскоп Инновацион ривожлантириш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилди. Ушбу трансмиссион электрон микроскоп 1 нанометрли тузилмани миллион марта катталаштириб, 1 миллиметр даражада кўрсатади. Масалан: 100 нанометрли коронавирусни миллион марта катталаштириб, 10 см қилиб кўрсатади. Ҳозирда “JEM-2100Plus” русумдаги замонавий трансмиссион электрон микроскопдан тўлиқ фойдаланиш ва илмий тадқиқот ишларини бажариш йўлга қўйилди. 15 апрелдан бошлаб юртимиздаги барча тиббиёт олий ўқув юртлири ва илмий-амалий марказлар билан шартномалар тузилиб, тадқиқотлар бошлаб юборилди. 1 майдан бошлаб текширишга қабул қилинган биологик материалга махсус тартибда ишлов бериш, электрон микроскопда кўриб ўрганиш, электроннограммалар олиш, уларни илмий жиҳатдан тавсифлаб, эгасига қайтариш йўлга қўйилади.

В НАШУ СТРАНУ ДОСТАВЛЕНА ОЧЕРЕДНАЯ ПАРТИЯ РОССИЙСКОЙ ВАКЦИНЫ

Как мы сообщали ранее, в нашу страну была доставлена первая партия вакцины «Спутник V». Сегодня ночью Узбекистан получил очередную партию данной вакцины.

Напоминаем, что «Спутник V», разработанный российским научным центром имени Н.Ф. Гамалеи, сертифицирован и одобрен для массового применения в Узбекистане. Процесс сертификации начался только после получения от разработчиков необходимых материалов, в частности, результатов третьей стадии клинических испытаний вакцины.

В ближайшие дни ожидается поставка в нашу страну дополнительных доз узбекской-китайской вакцины ZF-UZ-VAC2001 и вакцины AstraZeneca.

В нашей стране осуществляется система равномерного распределения вакцин по всем регионам и в первую очередь вакцинируются люди, входящие в группы риска.



Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

НАМАНГАНДА ИЛК МАРТА БУЙРАК КЎЧИРИБ ЎТКАЗИЛДИ

Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари наманганлик шифокорлар билан биргаликда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ноёб жарроҳлик амалиётини муваффақиятли ўтказишди. Вилоятда шу ҳафтанинг ўзида 4 та ана шундай мураккаб операциялар ўтказилиши белгиланган.

Бунга қадар буйрак трансплантацияси операцияси юртимизда фақатгина Тошкент шаҳрида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида амалга оширилган эди.

Дастлабки операция қарийб уч соат давом этди. Чортоқ туманининг Чорсу маҳалласида яшовчи 21 ёшли Дилноза Аҳмаджоновага онаси Ёқутхон Муталиева бир буйрагини берди. Энг муҳими, ҳар икковининг ҳам аҳволи яхши ва беморлар тиббий стандартлар асосида назоратга олинган.

– Буйрагим хасталиги учун етти ойлик фарзандимдан айрилдим, – дейди **Д. Аҳмаджонова операциядан олдинги қисқа суҳбатда.** – Яшашига бўлган умидим тобора сўниб бораётганди. Яхшиям юртимизда шундай малакали ва ўз ишига моҳир шифокорларимиз бор экан, яхшиям меҳрибон онажоним бор экан, бугун дардимга даво топишдан умидворман.

– Фарзандинг бетоб бўлиб қолса, онаизор чидай олмас экан. Бутун борлигиндан кечиб бўлса ҳам боламнинг саломатлиги учун қўлдан келган ҳаракатни қилдик. Буйрагимни беришга рози бўлдим. Авваллари бундай операция фақат чет элларда қиммат нархда қилинардди. Оллоҳга шукур, бугун вилоятимизда ҳам бу каби операциялар амалга ошириладиган бўлди. Қанчадан-қанча шифоталаб инсонлар дардига дармон бўлишмоқда. Ҳозир аҳволим яхши. Чунки, фарзандимнинг ҳам саломатлиги анча ўзгарди. Барча шифокорларга миннатдорлик билдираман, – дейди **беморнинг онаси Ёқутхон Муталиева.**

Операция столига ётқизиладиган яна бир бемор полилик 30 ёшли темирйўл ишчиси Мухриддин Маҳкамодир. Кўкондаги темирйўлчилар поликлиникаси мурожаат қилганида унда буйрак шамоллаши аниқланган, аҳволи оғирлашиб бориб, Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг нефрология бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

– Бундай оғир ҳолатга қачон-

гача чидайиш мумкинлигини ўйлаб, тушкунликка тушиб қолгандим, – дейди **М. Маҳкамов.** – Шундай кунларнинг бирида пойтахтлик жарроҳлардан буйрак кўчириб ўтказиш операцияси ҳақидаги хушхабарни эшитдим. Акам Муроджон Маҳкамов бир буйрагини беришга рози бўлганида жигаримнинг меҳридан кўзим ёшланди.



Кейинги бемор Жавохир Эргашев ҳам жарроҳлик амалиётига тайёргарлик кўрмоқда. Янгиқўрғоннинг Ғовазон кишлоғида яшовчи 24 ёшли бемор бир ярим йилдан бери гемодиализ аппаратида “боғланиб” яшаётган эди.

– Ҳафтасига 3 марта қонимни тозалатишга мажбур эдим. Икки кунда такрорланадиган бундай муолажа одамни эзиб юборади, – дейди **Ж. Эргашев.** – Яхшиям давлат томонидан бепул, беминнат хизмат кўрсатилади. Ниҳоят, қуриган буйрагим ўрнига соғломни кўчириш мавриди келиб қолди. Ким бундай инъомни менга лойиқ кўрганини айтсам, нақадар бахтли инсонлигимни англаб етсангиз керак.

Унга умр йўлдоши Наима Қаюмова бир буйрагини беришга қарор қилган. Жарроҳлик амалиётидан кейин ёш оила икки ёшли фарзанди Хушнудбек билан ширин турмушини давом эттиришни ният қилишган.

– Турмуш ўртоғимнинг аҳволи жуда ёмонлашгач, унга ўз буйрагимни бердим. Инсон бир буйрак билан ҳам яшаши мумкин. Бунга мисоллар кўп. Донор сифатида фарзандларим отаси ҳаётини сақлаб қолганимдан хурсандман. Жуда оғир кунларни бошдан кечирдик. Кўп вақт йўқотиб, турли шифохоналарда даволаниб юрдик. Ниҳоят биз қутган операция муваффақиятли якун-



ланди. Ҳозир мен ва турмуш ўртоғимнинг аҳволи анча яхши. Шифокорларга ўз миннатдорлигимни билдираман, – дейди **Наима Қаюмова операциядан сўнг.**

2017 йил 23 октябрда қабул қилинган “Буйрак ва жигар тўқималарини трансплантация қилиш ҳақида”ги вақтинчалик Низомга мувофиқ тиббий амалиётнинг муваффақиятли ижроси ҳозиргача фақат пойтахт Тошкентда изчил таъминлаб келинаётган эди. Энди эса Наманганда ҳам бу жараён дадил бошлаб юборилди. Бир йўла учта буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказилди. Бундан тўрт-беш

йил муқаддам буйрак трансплантацияси мамлакатимизда ўтказиш учун шароитлар йўқ эди. Буйрак етишмовчилигидан озор чекаётган беморлар қатта маблағлар эвазига хорижда даволаниб келишга мажбур эдилар. Бугун Наманганда оламшумул тиббий амалиёт ҳеч шов-шувларсиз гоёт муваффақиятли бажариляпти.

Бундай амалиётлар Республикаимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам босқичма-босқич амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими



Ўрта Осиёда биринчи бўлиб инсон буйрагини кўчириб ўтказган ўзбек шифокорини биласизми?

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, хирург олим **Ўктам Орипов** 1927 йил 3 январда таваллуд топди ва 2001 йил вафот этган. У Тошкентда 1972 йил 14 сентябрда, бундан 49 йил олдин, **Ўрта Осиёда биринчи бўлиб одамда буйракни кўчириб ўтказди.** 1998 йилда “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган.



ЯҚИН ИНСОНЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КЎМАГИ МЕНИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРДИ...

ЗАНГИОТА 1-СОН ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАСИДАГИ КЕЧИНМАЛАР

1 мартдан аксириш бошланди. Кечга бориб иситмам кўтарилди: 39,2 даража. Дарров дори ичдим. Эрталаб тиникиб уйгондим. Демак, бироз шамоллаганман ва ўтиб кетади, деб ўйладим. Ўзи касал бўлиб ётишни ёмон кўраман. Тушликдан сўнг яна совқотиб, иситмам кўтарила бошлади. Қуруқ йўтал. Таъм билмиш, ҳид билмиш жойида, фақат нафас тиқилиб қолаётганга ўхшайди. Ўзимча, грипп бўлибман-де, тузалгач эндокринологга буқоқ учун ҳам текширттирсам бўлмайди, шекилли...” деб ўйладим. Шу ҳолда кундузи уйда пешингача соппа-соғ юраман, юмушларимни бажараман, дард қузгур пешиндан кейин бошланади. Кечқурун деразани ланг очиб ётаман.

Ахволим ўнганмади. Мунтазам дори ичдим, уй шароитида муолажа олсам ҳам тузалмадим. Уйга маҳаллий шифокорни чақирсам, улар кўриб зудлик билан рентгенга тушишимни тавсия қилдилар. 11 март куни кеч соат 20:00 да рентгенга тушсам, ўпка шамоллаши диагнозини кўйишди ва коронавирус эҳтимоли борлиги, бунинг учун Зангиотада даволанишим шартигини айтиб йўлланма беришди.

Тўғриси айтсам, Зангиота деганда менда дастлаб нохуш таассуротлар уй-

лар учун яратилган шарт-шароитларнинг яхшилигига, шифокорларнинг жонкуярлигига тан бердим. Муолажани белгилаш учун ҳар икки кунда керакли анализлар олинади, вазиятга кўра МРТ ёки рентген текшируви амалга оширилади. Шифокор ва ҳамширалар тез-тез ўз маънасини оширишади, доимий равишда билим-кўникмалари бўйича тест топшириб туришаркан.

Палатада уч киши ётдик. Палатамизда алоҳида ювиниш хонамиз бор.

Кунига уч маҳал худди уйимиздек



Бошида фойдаланган кислород баллончаларидан охириги ҳафталарда фойдаланмай қўйдик. Ёмғирдан кейинги озонга тўйинган ҳавода мириқиб ўпкамиз ҳам, миямиз ҳам нафас олди. Шундан бўлса керак, тезроқ тузалдик.



ғонган. Ўзим билган бир нечта инсонлар ўша ерда вафот этишган, шароити ёмон деган тушунчалар шаклланганди. “У ерга бормайман. Агар коронавирус бўлсам, бошқа шифохонада даволанаман, бўлмасам уйда муолажа оламан”, – деб қайсарлик қилдим.

Мени текширган шифокор, “Мен йўлланма ёзиб бераман. У ерда даволаниш ёки даволанмаслигингиз ўз ихтиёрингиз”, деди. Уйга қайтгач, қарасам ахволим тобора ёмонлашаётти. Телеграм орқали Азизахон Ходжаева ва дугонам Евгения Буклаге билан маслаҳатлашдим. Азизахон опа – етук вирусолог врач, профессор. Евгения бўлса ўз дугонам, ҳозир Германияда Роберт Кох номидаги тиббиёт тадқиқот институтида илмий фаолият олиб бормоқда ҳамда Ўзбекистонда телемедицинани ривожлантириш бўйича ўзбек-немис халқаро лойиҳаси асосчиларидан бири. Ўтган йили касаллик айна авжига олган пайтда Ўзбекистонга келган. Бухоро, Самарқанд ва Тошкентдаги эпидемия ўчоқларида фаолият олиб борган.

Ҳар иккала маслаҳатгўйим ҳам Зангиотага ётишимни, у ерда малакали шифокорлар ишлаши ва шароити яхшилигини менга уқтиришди. Эрталаб тез тиббий ёрдам машинасида 1-сонли Зангиота клиникасига бордик.

Клиника қабулхонасида зудлик билан МСКТ, экспресс-тест текшируви ўтказилиши натижасида менда коронавирус инфекциясининг оғир кечиши ва пневмония аниқланди.

Шифохонага ётқизилдим. Шифохонада 12 мартдан 30 мартгача ётган бўлсам, муолажа жараёнида у ерда бемор-

шароитда тайёрланган сифатли ва қувватли таомлар: эрталабки нонуштада, албатта, сутли каша (ширгуруч, гречка, сулили, манкали), сариёғ, касалхона шифохонасида пиширилган булочка, ёнида қайнатилган тухум, творог, бринза, колбаса кабилар бўлади.

Тушликда сабзавотлардан тайёрланган витаминли салат билан суюқ ва қуюқ биринчи ва иккинчи таом.

Кечки пайт қуюқ ёки суюқ овқат. Таомланиш пайти қатъий: эрталаб 8:00 — 9:00 гача. Тушлик 12:00-13:00 гача. Кечки овқатланиш 17:00-18:00 гача.

